



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 5 » февраль

№ ПК–48

Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини янги босқичга олиб чиқиш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, бошқариш органлари барқарорлигини таъминлаш ва тўлов интизомини яхшилаш, соҳада давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг мақсадли кўрсаткичлари этиб белгилансин:

- (а)** марказлашган иссиқлик тармоқларига уланган **1 032 та** кўп квартирали уйнинг энергия самарадорлигини ошириш;
- (б)** мажбурий бадал ва тўловлар (кейинги ўринда – мажбурий тўловлар) ҳамда умумий мол-мулкни ижарага беришдан тушган маблағлар ҳисоб-китобини тўлиқ шаффоф тизимга ўтказиш орқали дебитор қарздорликни камида **80 фоизга** камайтириш;
- (в)** кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасида яширин иқтисодиётни камайтириш, бюджет маблағларини ажратиш ва халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилиш орқали оғир ҳолатдаги **10 мингта** уйларни босқичма-босқич яхшилаш;
- (г)** кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини тўлиқ **рақамлаштириш.**

II. Кўп квартирали уйларни таъмирлаш, реконструкция қилиш, уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш дастурларини молиялаштириш

2. Қуйидагилар:

(а) 2026–2030 йилларда халқаро молия институтларининг **200 млн АҚШ доллари** миқдоридаги маблағлари ҳисобига марказлашган иссиқлик тармоқларига уланган кўп квартирали уйларнинг энергия самарадорлигини ошириш учун уларни мукаммал таъмирлаш ва реконструкция қилиш дастури **1-иловага** мувофиқ;

(б) 2026–2027 йилларда шаҳар ва туманларда **республика бюджетидан 1 трлн сўм** маблағ ажратиш ҳисобига кўп квартирали уйларни таъмирлаш ҳамда уйларга туташ ҳудудларда умумий фойдаланишдаги инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилиш дастури **2-иловага** мувофиқ;

(в) 2026 йилда республика бюджетидан **79,5 млрд сўм** маблағ ажратиш ҳисобига 1991 йилгача қурилган кўп квартирали уйларнинг электрон паспортини ишлаб чиқиш бўйича режа кўрсаткичлари **3-иловага** мувофиқ;

(г) 2026 йилда республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳамда бошқа манбалардан жами **1,8 трлн сўм** маблағ ажратиш ҳисобига кўп квартирали уйларни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва туташ ҳудудларни ободонлаштириш бўйича **йиғма дастур 4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари 2025 йилда бошқарувчилар томонидан кўп квартирали уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш учун **5-иловага** мувофиқ **282 млрд сўм** маблағ йўналтирилганини инобатга олган ҳолда 2026 йилда кўп квартирали уйларни таъмирлаш харажатларини молиялаштириш учун маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ҳар чорак якуни бўйича бошқарувчилар билан тенг улушларда маблағлар ажратилишини таъминласин.

4. Кўп квартирали уйларни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва туташ ҳудудларни ободонлаштириш йўналишида марказлашган манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини саралаш, амалга ошириш ҳамда уларнинг натижадорлигини мониторинг қилиш бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

- (а) лойиҳа таклифлари, шу жумладан, мазкур қарорга 1–5-иловаларда назарда тутилган манбалардан маблағ ажратиш бўйича таклифлар **Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларида** муҳокама қилиниши ва фақатгина уларнинг қарори билан маъқуллангандан кейин амалга оширилиши шарт;
 - (б) шакллантирилган лойиҳа таклифлари бўйича лойиҳаолди тадқиқотлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, кўп квартирали уйларнинг бошқарувчилари, лойиҳа ташкилотлари билан биргаликда ҳар бир ҳудуднинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўтказилади;
 - (в) ҳар бир лойиҳанинг амалга оширилиши ҳолати мунтазам равишда барча даражадаги **вакиллик органлари депутатлари томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг қилиб борилади.**
5. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Энергетика вазирлигининг **6-иловага** мувофиқ:
- (а) кўп квартирали уй-жойлар мулкдорлари ширкатларининг ҳудудий электр тармоқлари корхоналари олдидаги **94,6 млрд сўм** миқдоридаги муддати ўтган қарздорлиги тўловларини 5 йил муддатга шу муддатдан кейинги 5 йил мобайнида ҳар ойда тенг улушларда сўндириш шарти билан кечиктириш;
 - (б) ўз вақтида амалга оширилмаган тўлов учун ҳисобланган **18,6 млрд сўм** пеняларни ҳисобдан чиқариш йўли билан реструктуризация қилиш ва пеня ҳисоблашни тўхтатиш бўйича таклифлари маъқуллансин.
6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари тегишли тижорат банклари билан биргаликда собиқ ширкатлардан бошқарувчи ташкилотларга ўтган кўп квартирали уй-жойларни таъмирлаш учун жалб қилинган **1,2 трлн сўм** миқдоридаги кредитларни, фоизлар ҳисобланишини музлатиш шарти билан, қайтариш муддатини **2026 йил 1 октябрдан бошлаб** маҳаллий ҳокимликлар кафиллиги асосида **уч йилга узайтириш** чораларини кўрсин.
- III. Кўп квартирали уйлар атрофида экологияни яхшилаш ва яшил ҳудудларни ташкил этиш чора-тадбирлари**
7. Белгилансинки, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2026–2027 йилларда ажратиладиган маблағларнинг **камида 10 фоизигача** қисми 15 мартга қадар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) ҳамда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан тасдиқланадиган алоҳида дастур асосида кўп квартирали уйларнинг туташ ҳудудига дарахт ва буталар экиш ҳамда уларни суғориш тизими билан таъминлаш учун йўналтирилади.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

- (а)** кўп квартирали уйларнинг туташ ҳудудидаги барча дарахт ва буталар бошқарувчилар томонидан хатловдан ўтказилиб, маълумотлар “Менинг уйим” ахборот биллинг тизими (кейинги ўринларда – “Менинг уйим” АБТ)да акс эттириб борилади;
- (б)** кўп квартирали уйлардаги марказлашган ичимлик суви истеъмолчиларига дарахт ва буталарни суғориш ишларини **ҳисоблагичлар ўрнатган ҳолда** сутканинг ҳар қандай вақтида амалга оширишга рухсат берилади;
- (в)** Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари бошқарувчилар билан биргаликда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида экилган дарахт ва буталарнинг сақланиши ва бутлигига масъул ҳисобланади.

IV. Рақамлаштириш ва ҳисоб-китобларнинг шаффофлигини таъминлаш

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2026 йил 1 июлдан бошлаб:

- (а)** Тошкент шаҳрида кўп квартирали уйларда умумий йиғилиш ўтказишни ташаббус қилиш, ўтказиш ва қарор қабул қилиш, шартномаларни тузиш, бошқарувчилар томонидан ҳисоботларни тақдим қилиш, мурожаатларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш **фақат “Менинг уйим” АБТда** амалга оширилади, 2027 йилдан бошлаб мазкур тартиб республиканинг барча ҳудудларига татбиқ этилади;
- (б)** мажбурий тўловлар ва кўп квартирали уйларда умумий мол-мулкни ижарага ва фойдаланишга беришдан тушадиган **тўловлар ҳисоби фақат “Менинг уйим” АБТ орқали** юритилади;
- (в)** мажбурий тўловлар фақатгина банк карталари, электрон тўлов тизимлари ёки банк кассалари орқали амалга оширилади;

- (г) мажбурий тўловлар ҳамда умумий мол-мулкни ижарага бериш ва фойдаланиш ҳисобига келиб тушган маблағларнинг алоҳида ҳисобини юритиш учун **ҳар бир кўп квартирали уйга (жой мулкдорлари номига) банк ҳисоб рақами** очилади;
- (д) фойдаланишга топширилган кўп квартирали уйлар – 2026 йил 1 июлга қадар бошқарувчиларнинг мурожаатига асосан, келгусида фойдаланишга топшириладиган уйлар фойдаланишга қабул қилинган санадан бошлаб бир ой ичида қурувчи ташкилотнинг мурожаатига асосан ҳисобга қўйилади, солиқ тўловчининг идентификация рақами берилади ва банк ҳисоб рақами очилади;
- (ж) умумий йиғилишда бошқарувчини танлаш тўғрисида қарорда кўп квартирали уйнинг **банк ҳисоб рақамини ҳам бошқарувга бериш** назарда тутилади, мулкдорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан кўп квартирали уйни бошқариш шартномасини бажаришдан бир томонлама тартибда воз кечилганда **ҳисоб рақамни бошқариш ҳам тўхтатилади**;
- (з) кўп квартирали уйнинг умумий мол-мулкни, туташ ер участкаларини сақлашга, улардан фойдаланишга, таъмирлашга ва бошқа кўп квартирали уйга доир ишларнинг **йиллик режаси ва молиялаштириш бўйича сметаси** ойлар кесимида аниқ ишлар ва маблағлари кўрсатилган ҳолда умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланади, ушбу масаладаги умумий йиғилиш қарори лойиҳаси ҳар йили январь ойида **“Менинг уйим” АБТда шакллантирилади**;
- (и) умумий йиғилишда бошқариш усули тўғрисида қарор қабул қилинмаган ва **бошқарувчи белгиланмаган**, бошқарувчи билан тузилган шартнома бекор қилинган ёки тўхтатиб турилган ҳолларда кўп квартирали уйлардаги мулкдорлар мажбурий тўловларни банк ҳисоб рақамига умумий йиғилиш қарори билан белгиланган мулкдорларда, бундай қарор қабул қилинмаган тақдирда эса қонунчиликда белгиланган минимал тариф бўйича **тўлаб бориши шарт**;

- (к) **умумий мол-мулкни ижарага беришдан тушумлар**, мобил алоқа учун антенналар ўрнатиш, реклама жойлаштириш ва бошқа шу каби умумий мол-мулкни ижарага бериш ва фойдаланиш ҳисобига олинадиган даромадлар кўп квартирали уйнинг банк ҳисоб рақамига мажбурий тартибда йўналтирилади ва **мулкдорларнинг даромади ҳисобланади**;
- (л) кўп квартирали уйнинг банк ҳисоб рақамидаги маблағлар сметага мувофиқ ҳар ойда, биринчи навбатда, кўп квартирали уйнинг **электр энергияси харажатлари учун** йўналтирилади, мулкдор кўп квартирали уйнинг банк ҳисоб рақамига ҳар ойнинг 15-санасигача мажбурий тўловларни амалга оширмаса, унинг қарздорлиги бартараф этилмагунга қадар электр энергияси учун тўловлари қабул қилинмайди;
- (м) мулкдор кўп квартирали уйнинг банк ҳисоб рақамига ҳар ойнинг 15-санасига қадар мажбурий тўловларни амалга оширмаса, **ҳар бир кечиктирилган кун учун “Менинг уйим” АБТда кечиктирилган тўлов суммасига нисбатан юридик шахслар учун 0,4 фоиз, жисмоний шахслар учун 0,1 фоиз миқдорида, бироқ ҳар ой учун кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня ҳисобланади**, бунда ҳисобланган пеня бўйича тўловлар тенг улушларда кўп квартирали уйнинг банк ҳисоб рақамига ҳамда “Менинг уйим” АБТни сақлаш харажатларига йўналтирилади;
- (н) бошқарувчи кўп квартирали уйнинг банк ҳисоб рақамидаги маблағлардан фақат йиллик иш режа ва сметага мувофиқ жорий ойда ҳар бир турдаги харажатлар учун назарда тутилган **маблағларнинг чекланган суммаси доирасида фойдаланади** (электр энергияси ва аварияни бартараф этиш учун харажатлар бундан мустасно), бунда қўшимча харажатлар учун маблағлар умумий йиғилиш қарори асосида ажратилади;
- (о) **авария ҳолатларини тезкор бартараф қилиш учун** бир кўп квартирали уйнинг маблағлари бошқарувчининг бошқарувида бўлган бошқа кўп квартирали уйга “Менинг уйим” АБТ орқали мулкдорларга ҳисобот бериш шarti билан сарфланиши мумкин;
- (п) бошқарувчи ҳар чорак якуни билан амалга оширилган ишлар, банк ҳисоб рақамидаги даромадлар ва харажатлар сметасининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни “Менинг уйим” АБТда шакллантириб боради;

(р) кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни ижарага бериш “Е-аукцион” электрон савдо платформаси орқали амалга оширилади ва барча маблағлар (аукцион харажатлари бундан мустасно) тегишли кўп квартирали уйнинг банк ҳисоб рақамига йўналтирилади.

V. Кўп квартирали уйлар инфратузилмасини муносиб тарзда сақлаш

10. Вазирлик 2026 йил 1 мартдан бошлаб кўп квартирали уйларнинг техник кўрсаткичлари, ҳолати, туташ ер участкалари, электр ва иссиқлик энергияси, ичимлик суви истеъмоли, инфратузилмасини яхшилаш учун ажратилган ва сарфланган маблағларнинг ҳисоб-китобини юритиш имконини берувчи “Менинг уйим” АБТда “Тураржой” ахборот бўлимини ишга туширсин.

11. Белгилансинки, 2026 йил 1 майдан бошлаб:

(а) янги қуриладиган кўп квартирали уйларнинг лойиҳа ҳужжатларида ҳар бир подъездга, лифтларга ва туташ ҳудудга **кузатув камералари**, шунингдек, кириш эшикларига **домофон комплекслари** ўрнатиш назарда тутилади, бунда:

(i) ушбу объектлар лойиҳа ҳужжатларига киритилмаганда лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тақиқланади;

(ii) мазкур мулклар умумий мол-мулк ҳисобланади ва улар сақлаш учун белгиланган тартибда бошқарувчига топширилади ҳамда тегишли маълумот “Менинг уйим” АБТнинг “Тураржой” ахборот бўлимига киритилади;

(б) қурилиши тугалланган кўп квартирали уйни фойдаланишга қабул қилишда:

(i) белгиланган тартибда расмийлаштирилган кадастр паспорти “Менинг уйим” АБТнинг “Тураржой” ахборот бўлимида автоматик равишда акс эттирилади;

(ii) мазкур банднинг “а” кичик бандида назарда тутилган бошқарувчига топшириладиган мол-мулклар ўрнатилмаган ҳолларда кўп квартирали уйни фойдаланишга қабул қилиш тақиқланади;

(в) кўп квартирали уйлардаги **марказий электр тақсимловчи қурилмалар** ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан (ҳисобидан) эксплуатация қилинади;

(г) марказлашган оқова сув тармоқларига уланмаган кўп квартирали уйларнинг оқова сувларини олиб чиқиб кетиш хизмати “Ўзсувтаъминот” АЖнинг тизим корхоналари томонидан режали тарзда, истеъмолчилар билан шартнома асосида ёки хизмат нархи ичимлик суви тарифига қўшилган ҳолда амалга оширилади;

(д) 2026 йилда бошланадиган ва давом этадиган “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилишида кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатишга **ихтисослашган алоҳида биноларни** қуриш назарда тутилиши шарт ҳамда мазкур объектларни қуриш инвестиция дастурлари доирасида амалга ошириб борилади.

12. Белгилансинки:

(а) кўп квартирали уйлардаги таянч ва (ёки) тўсиқ конструкцияларни бузган ҳолда ўзгартириш ва (ёки) реконструкция қилиш, шу жумладан, кўп квартирали уйларда ва уларга туташ ер участкаларида ўзбошимчалик билан иморатлар (иншоотлар) қуриш ҳолатлари бошқарувчи томонидан аниқланган ҳамда ҳолат тўғрисида назорат органларига хабар берилган тақдирда, мазкур ҳолатлар юзасидан қўлланган **маъмурий жарима суммасининг йигирма беш фоизи бошқарувчига мукофот сифатида** тўлаб берилади, бунда ушбу ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар “Менинг уйим” АБТга киритилади;

(б) кўп квартирали уйнинг умумий истеъмоли учун сарфланадиган газ, электр энергияси ва ичимлик суви бўйича ҳисоб-китоблар кўп квартирали уйларнинг умумий ҳисоблагич кўрсаткичлари асосида **ҳар бир кўп квартирали уй бўйича алоҳида** юритилади, муайян кўп квартирали уй учун ҳисобланган қарздорлик сабабли ушбу уйга хизмат кўрсатувчи бошқарувчига тегишли бошқа кўп квартирали уйларни тармоқдан ўчириш тақиқланади;

(в) кўп квартирали уйларни бошқарувчининг хизмат кўрсатиш қамровидан келиб чиқиб, тегишли моддий-техник база ва ходимлар сони меъёрлари ишлаб чиқилади ва **бошқарувчилар** шунга асосан Вазирлик томонидан белгиланадиган тартибда **тоифаларга ажратилади**;

(г) “Менинг уйим” АБТда бошқарувчиларнинг моддий-техника базаси ва инсон ресурслари ҳақидаги маълумотлар юритилади.

13. АТ “Халқ банки”нинг ушбу банкни кўп квартирали уйларни бошқариш фаолиятини молиялаштиришга масъул этиб белгилаш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

VI. Кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш

14. Вазирликнинг ҳудудларда коммунал соҳани ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўйича **“Вазирлик – ҳудудий бошқарма – туман (шаҳар)”** эксплуатация объекти занжиридан иборат вертикал тизимни жорий қилиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

15. Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари тузилмасига:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда уй-жой коммунал хўжалиги бўлинмаларидаги бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони доирасида **“уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш ва эксплуатация ишларини мувофиқлаштириш бўйича бош муҳандис”** (кейинги ўринларда – бош муҳандис) лавозими киритилсин;

(б) мавжуд штат бирликлари ҳамда **7-иловага** мувофиқ бюджетдан молиялаштириладиган қўшимча **89 та штат** бирликлари ҳисобидан барча туман (шаҳар)ларда бош муҳандис лавозими киритилсин.

16. Белгилансинки:

(а) бош муҳандис штат бирликларига нисбатан давлат хизматчиларини қисқартириш бўйича топшириқлар татбиқ этилмайди;

(б) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бош муҳандислар — ҳудудий бўлинма раҳбарининг ўринбосарлари ҳисобланади ҳамда коммунал соҳага масъул бўлган вазир ўринбосарига тўғридан-тўғри бўйсunaди;

(в) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бош муҳандислар Вазирлик томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади;

(г) туман (шаҳар)ларда бош муҳандислар тўғридан-тўғри тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бош муҳандисларга бўйсunaди;

(д) туман (шаҳар)лардаги бош муҳандислар фаолияти самарадорлигини баҳолаш, меҳнатига қўшимча ҳақ ва устамалар белгилаш Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бош муҳандислар томонидан амалга оширилади.

17. Вазирлик кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасида тегишли давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда соҳада умумий назорат қилиш функцияларини бажарувчи **ваколатли орган этиб белгилансин, бунда Вазирлик:**

- (а)** тегишли ҳудудда барча давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда корхоналарнинг уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштиради;
- (б)** кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасида қонунчилик ҳужжатлари ва давлат дастурлари ижроси устидан назоратни амалга оширади;
- (в)** белгиланган тартибда режали ва заруратга кўра режадан ташқари ўрганишларни амалга оширади;
- (г)** ўрганишлар натижасида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан бажарилиши шарт бўлган мажбурий кўрсатмалар беради ва (ёки) қонунбузилишлар юзасидан мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича тегишли органларга тақдимномалар киритади;
- (д)** соҳага масъул ҳоким ўринбосарларининг коммунал соҳадаги фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаб боради.

18. Белгилансинки:

- (а)** бош муҳандислар кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасида аниқлаган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан **маъмурий баённомалар** расмийлаштириш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун ваколатли органларга юбориш ҳуқуқига эга;
- (б)** “Менинг уйим” АБТда бир ой давомида **“бошқарувчи фаолиятидан норозиман”** тугмаси мулкдорлар умумий сонининг 50 фоиздан ортиғи томонидан босилганда, бош муҳандис ушбу ҳолатни ўрганади ва бошқарувчига нисбатан қонунчиликда белгиланган чораларни кўради.

19. 2026 йил 1 мартдан бошлаб Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан бошқарувчиларга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштиришда **тегишли бош муҳандисни хабардор қилиш тартиби жорий этилсин.**

20. Уй-жой коммунал хўжалиги бўлинмаларидаги бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони доирасида **Тошкент шаҳри ҳокими ўринбосари – Уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи лавозими киритилсин. Унга мазкур қарорга мувофиқ бош муҳандисларга берилган барча ҳуқуқ ва ваколатлар татбиқ этилсин.**

VII. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

21. 2026 йилда Компетенцияни ривожлантириш институти, Касбий кўникмалар маркази ҳамда Коммунал таъминот марказида кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасидаги кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш режаси **8-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

22. Қўйидагилар:

(а) Кўп квартирали уйларни бошқариш тизими самарадорлигини ошириш ва соҳани янада ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” **9-иловага** мувофиқ;

(б) “Менинг уйим” ахборот тизимини такомиллаштириш ва кўп квартирали уйларни бошқариш жараёнларини рақамлаштириш бўйича “йўл харитаси” **10-иловага** мувофиқ;

(в) Кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасида яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш бўйича Бош прокурор ўринбосари С.Самадов бошчилигида республика ва ҳудудий ишчи гуруҳлар таркиби **11- ва 12-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига **13-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

24. Вазирлик Адлия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

25. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари А.Ж. Раматов, Ж.А. Қўчқоров ҳамда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари О.А.Жўраева белгилансин.

26. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**2026–2030 йилларда халқаро молия институтларининг 200 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари ҳисобига
марказлашган иссиқлик тармоқларига уланган кўп квартирали уйларнинг энергия самарадорлигини ошириш учун уларни
мукаммал таъмирлаш ва реконструкция қилиш
ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбир номи	Қуввати (уй сони)	Қиймати (млн сўм)	Ижрочилар
	2026–2030 йилларда жами	1 032	2 325 299	(Грант маблағларидан ташқари)
I.	2026 йилда:		24 000,0	(Грант маблағлари ҳисобидан)
1.	Лойиҳанинг концепцияси ва техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишда лойиҳа институтини жалб этиш учун тендер ҳужжатларини тайёрлаш.			Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Энергия самарадорлиги миллий агентлиги
2.	Ишлаб чиқилган тендер ҳужжатини Жаҳон банки ҳамда баҳолаш комиссияси билан келишиш.			
3.	Лойиҳа институтини жалб этиш бўйича тендер танловларини эълон қилиш ва таклифларни баҳолаш.			
4.	Баҳолаш ҳисоботини Жаҳон банки ҳамда баҳолаш комиссияси билан келишиш.			
5.	Лойиҳа институтини таклиф этиш ва шартнома имзолаш.			
6.	Лойиҳа институти билан ҳамкорликда лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш.			
7.	Ишлаб чиқилган лойиҳа концепциясини тармоқ илмий-техник кенгаши билан келишиш.			
8.	Лойиҳа концепциясини Халқ депутатлари кенгаши билан келишиш.			

Т/р	Тадбир номи	Қуввати (уй сони)	Қиймати (млн сўм)	Ижрочилар
9.	Лойиҳа концепциясини Ҳукумат комиссиясига тасдиқлаш учун киритиш.			
10.	Ҳукумат комиссияси томонидан лойиҳа концепциясини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.			
11.	Лойиҳани баҳолаш ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқиш учун техник топшириқни Жаҳон банки билан биргаликда тайёрлаш.			
12.	Лойиҳани баҳолаш ҳужжатлари лойиҳасини тармоқ илмий-техник кенгаши билан келишиш ва экспертизадан ўтказиш.			
13.	Экспертиза ижобий хулосаларига асосан Ҳукумат комиссияси томонидан ЛБҲни тасдиқлаш.			
14.	Харидлар режасини ишлаб чиқиш ва Жаҳон банки билан келишиш.			
15.	Ишлаб чиқилган техник-иқтисодий асосларни келишиш ва Ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлаш.			
16.	Ҳукумат қарори лойиҳасини келишиш ва тасдиқлаш.			
17.	Кўп квартирали уйларни реновация қилиш дастури бўйича коммуникацион компанияларни ташкил этиш мақсадида тендер танловлари асосида консультант ёллаш ва ишларни бошлаш.			
18.	ЭСКО бозорини ривожлантириш ва энергия тежамкорликни рағбатлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий базани яратиш мақсадида тендер танловлари асосида консультант ёллаш ва ишларни бошлаш.			

Т/р	Тадбир номи	Қуввати (уй сони)	Қиймати (млн сўм)	Ижрочилар
II.	2027 йилда:	205	476 751	
19.	Андижон шаҳридаги кўп квартирали уйларнинг 235 та кириш йўлакларидаги эшиклар, 1,2 минг метр квадрат фрамуга ромларни янгилаш ва 69 та уйнинг фасад қисмини базальт билан қоплаш.	69	54 627	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги
20.	Бухоро шаҳридаги 47 та кўп квартирали уйларнинг том қисмини таъмирлаш, 295 та кириш йўлакларидаги эшиклар, 1,7 минг метр квадрат фрамуга ромларни янгилаш ва 50 та уйнинг фасад қисмини базальт билан қоплаш.	50	129 388	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги
21.	Самарқанд шаҳридаги 42 та кўп квартирали уйларнинг том қисмини таъмирлаш, 44 та кириш йўлакларидаги эшиклар, 2,1 минг метр квадрат фрамуга ромларни янгилаш ва 96 та уйнинг фасад қисмини базальт билан қоплаш.	96	196 695	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
22.	Чирчиқ шаҳридаги 45 та кўп квартирали уйларнинг том қисмини таъмирлаш, 241 та кириш йўлакларидаги эшиклар, 578 метр квадрат фрамуга ромларни янгилаш ва 45 та уйнинг фасад қисмини базальт билан қоплаш.	45	96 042	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги

Т/р	Тадбир номи	Қуввати (уй сони)	Қиймати (млн сўм)	Ижрочилар
III.	2028 йилда:	207	580 151	
23.	Андижон шаҳридаги кўп квартирали уйларнинг 300 та кириш йўлакларидаги эшиклар, 1,5 минг метр квадрат фрамуга ромларни янгилаш ва 71 та уйнинг фасад қисмини базальт билан қоплаш.	71	81 455	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги
24.	Бухоро шаҳридаги 45 та кўп квартирали уйнинг том қисмини таъмирлаш, 311 та кириш йўлакларидаги эшиклар, 1,7 минг метр квадрат фрамуга ромларни янгилаш ва 50 та уйнинг фасад қисмини базальт билан қоплаш.	50	150 728	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги
25.	Самарқанд шаҳридаги 57 та кўп квартирали уйларнинг том қисмини таъмирлаш, 75 та кириш йўлакларидаги эшиклар, 2,0 минг метр квадрат фрамуга ромларни янгилаш ва 97 та уйнинг фасад қисмини базальт билан қоплаш.	97	251 939	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
26.	Чирчиқ шаҳридаги 45 та кўп квартирали уйларнинг том қисмини таъмирлаш, 210 та кириш йўлакларидаги эшиклар, 507 метр квадрат фрамуга ромларни янгилаш ва 45 та уйнинг фасад қисмини базальт билан қоплаш.	45	96 028	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги

T/p	Тадбир номи	Қуввати (уй сони)	Қиймати (млн сўм)	Ижрочилар
IV.	2029 йилда:	207	642 226	
27.	Андижон шаҳридаги 1 та кўп квартирали уйнинг том қисмини таъмирлаш, 344 та кириш йўлакларидаги эшиклар, 1,5 минг метр квадрат фрамуга ромларни янгилаш ва 68 та уйнинг фасад қисмини базальт билан қоплаш.	68	105 375	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги
28.	Бухоро шаҳридаги 45 та кўп квартирали уйнинг том қисмини таъмирлаш, 291 та кириш йўлакларидаги эшиклар, 1,8 минг метр квадрат фрамуга ромларни янгилаш ва 51 та уйнинг фасад қисмини базальт билан қоплаш.	51	166 321	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги
29.	Самарқанд шаҳридаги 44 та кўп квартирали уйларнинг том қисмини таъмирлаш, 179 та кириш йўлакларидаги эшиклар, 1,9 минг метр квадрат фрамуга ромларни янгилаш ва 97 та уйнинг фасад қисмини базальт билан қоплаш.	97	266 176	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
30.	Чирчиқ шаҳридаги 43 та кўп квартирали уйларнинг том қисмини таъмирлаш, 196 та кириш йўлакларидаги эшиклар, 477 метр квадрат фрамуга ромларни янгилаш ва 43 та уйнинг фасад қисмини базальт билан қоплаш.	43	104 355	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги
V.	2030 йилда:	208	626 171	
31.	Андижон шаҳридаги 1 та кўп квартирали уйнинг том қисмини таъмирлаш, 229 та кириш йўлакларидаги эшиклар, 1,3 минг метр квадрат фрамуга ромларни янгилаш ва 63 та уйнинг фасад қисмини базальт билан қоплаш.	63	86 412	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги

Т/р	Тадбир номи	Қуввати (уй сони)	Қиймати (млн сўм)	Ижрочилар
32.	Бухоро шаҳридаги 38 та кўп квартирали уйнинг том қисмини таъмирлаш, 180 та кириш йўлакларидаги эшиклар, 980 метр квадрат фрамуга ромларни янгилаш ва 46 та уйнинг фасад қисмини базальт билан қоплаш.	46	96 648	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Бухоро вилояти ҳокимлиги
33.	Самарқанд шаҳридаги 46 та кўп квартирали уйларнинг том қисмини таъмирлаш, 111 та кириш йўлакларидаги эшиклар, 2,1 минг метр квадрат фрамуга ромларни янгилаш ва 98 та уйнинг фасад қисмини базальт билан қоплаш.	98	315 698	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
34.	Чирчиқ шаҳридаги 43 та кўп квартирали уйларнинг том қисмини таъмирлаш, 207 та кириш йўлакларидаги эшиклар, 522 метр квадрат фрамуга ромларни янгилаш ва 43 та уйнинг фасад қисмини базальт билан қоплаш.	43	127 414	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги

Изоҳ: ишлаб чиқиладиган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан талаб этиладиган маблағлар миқдори ва параметрларга аниқлик киритилади. Дастур параметрларига вилоятлар ҳокимликлари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги тақлифларига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 5 февралдаги ПҚ–48-сон қарорига
2-илова

**2026–2027 йилларда шаҳар ва туманларда республика бюджетидан 1 трлн сўм
маблағ ажратиш ҳисобига кўп квартирали уйларни таъмирлаш ҳамда уйларга туташ ҳудудларда умумий
фойдаланишдаги инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилиш
ДАСТУРИ**

Т/р	Ҳудуд номи	Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар*	Болалар майдончасини қуриш		Ирригация тармоқларини қуриш		Йўлакларни бетонлаш		Ҳожатхоналар қуриш	
		(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)	(п/м)	(млн сўм)	(минг кв.м.)	(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)
2026–2027 йиллар		1 028 416	1 656	606 868	198 426	36 655	1 465	335 813	459	49 080
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	90 088	198	71 121	1 385	257	57	12 820	63	5 890
2.	Андижон вилояти	80 455	91	44 330	25 160	4 661	68	21 144	48	10 320
3.	Бухоро вилояти	48 208	88	31 576	2 730	505	62	14 076	22	2 050
4.	Жиззах вилояти	54 246	101	36 272	6 618	1 219	49	11 105	60	5 650
5.	Қашқадарё вилояти	78 838	103	36 961	20 550	3 737	129	28 880	98	9 260
6.	Навоий вилояти	79 538	196	70 560	8 380	1 550	29	6 498	10	930

T/p	Худуд номи	Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар*	Болалар майдончасини қуриш		Ирригация тармоқларини қуриш		Йўлакларни бетонлаш		Ҳожатхоналар қуриш	
		(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)	(п/м)	(млн сўм)	(минг кв.м.)	(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)
7.	Наманган вилояти	54 133	62	22 292	12 988	2 421	118	26 560	30	2 860
8.	Самарқанд вилояти	33 296	65	23 379	2 515	466	40	9 081	4	370
9.	Сурхондарё вилояти	34 353	66	23 788	3 789	698	39	8 827	11	1 040
10.	Сирдарё вилояти	50 368	70	25 200	2 449	453	87	19 605	54	5 110
11.	Тошкент вилояти	143 669	257	92 506	47 515	8 798	186	41 915	5	450
12.	Фарғона вилояти	93 052	195	69 913	28 286	5 232	66	14 757	33	3 150
13.	Хоразм вилояти	34 058	83	29 845	1 470	267	9	1 946	21	2 000
14.	Тошкент шаҳри	154 113	81	29 125	34 591	6 388	526	118 600		
2026 йил		520 836	878	315 582	104 609	18 830	719	161 044	258	25 380
I.	Қорақалпоғистон Республикаси	46 280	103	36 256	568	102	28	6 232	41	3 690
15.	Нукус шаҳри	6 530	16	5 632			4	898		
16.	Амударё тумани	2 004	4	1 408			1	326	3	270
17.	Беруний тумани	2 556	6	2 112			2	354	1	90
18.	Бўзатов тумани	388	1	352	200	36				
19.	Кегейли тумани	3 434	7	2 464			2	340	7	630

Т/р	Худуд номи	Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар*	Болалар майдончасини қуриш		Ирригация тармоқларини қуриш		Йўлакларни бетонлаш		Ҳожатхоналар қуриш	
		(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)	(п/м)	(млн сўм)	(минг кв.м.)	(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)
20.	Қонликўл тумани	2 206	5	1 760			2	356	1	90
21.	Қораўзак тумани	1 625	3	1 056			2	389	2	180
22.	Қўнғирот тумани	2 484	6	2 112			1	282	1	90
23.	Мўйноқ тумани	2 032	5	1 760			0	92	2	180
24.	Нукус тумани	4 236	10	3 520			2	446	3	270
25.	Тахиатош тумани	5 363	14	4 928			2	345	1	90
26.	Тахтакўпир тумани	801	1	352			2	359	1	90
27.	Тўрткўл тумани	2 721	5	1 760			3	691	3	270
28.	Хўжайли тумани	2 957	8	2 816	130	23	1	118		
29.	Чимбой тумани	1 498	3	1 056			2	442		
30.	Шуманай тумани	3 694	7	2 464	238	43	2	377	9	810
31.	Элликқалъа тумани	1 752	2	704			2	418	7	630
II.	Андижон вилояти	41 192	52	24 440	11 895	2 141	34	10 291	24	4 320
32.	Андижон шаҳри	5 466	7	3 290	1 855	334	6	1 842		
33.	Хонобод шаҳри	2 075	2	940	1 030	185	2	589	2	360
34.	Андижон тумани	2 845	5	2 350	750	135			2	360

Т/р	Худуд номи	Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар*	Болалар майдончасини қуриш		Ирригация тармоқларини қуриш		Йўлакларни бетонлаш		Ҳожатхоналар қуриш	
		(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)	(п/м)	(млн сўм)	(минг кв.м.)	(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)
35.	Асака тумани	2 048	3	1 410	1 500	270	1	368		
36.	Балиқчи тумани	3 720	6	2 820					5	900
37.	Булоқбоши тумани	2 420	4	1 880					3	540
38.	Бўстон тумани	1 606	2	940	290	52	2	614		
39.	Жалақудуқ тумани	2 260	3	1 410	1 310	236	2	614		
40.	Избоскан тумани	1 827	1	470	1 080	194	3	982	1	180
41.	Марҳамат тумани	2 890	5	2 350					3	540
42.	Олтинкўл тумани	4 124	6	2 820	1 130	203	3	921	1	180
43.	Пахтаобод тумани	1 698	1	470			4	1 228		
44.	Хўжаобод тумани	2 022	1	470	800	144	4	1 228	1	180
45.	Улуғнор тумани	1 054	1	470	200	36	1	368	1	180
46.	Шаҳрихон тумани	4 237	4	1 880	1 270	229	4	1 228	5	900
47.	Қўрғонтепа тумани	899	1	470	680	122	1	307		
III.	Бухоро вилояти	24 200	48	16 896	1 360	245	26	5 709	15	1 350
48.	Бухоро шаҳри	9 610	20	7 040			12	2 570		
49.	Когон шаҳри	4 376	8	2 816			7	1 560		

Т/р	Худуд номи	Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар*	Болалар майдончасини қуриш		Ирригация тармоқларини қуриш		Йўлакларни бетонлаш		Ҳожатхоналар қуриш	
		(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)	(п/м)	(млн сўм)	(минг кв.м.)	(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)
50.	Жондор тумани	252			900	162			1	90
51.	Қорақўл тумани	1 274	3	1 056			1	128	1	90
52.	Олот тумани	1 410	3	1 056			1	264	1	90
53.	Қоровулбозор тумани	572	1	352			1	220		
54.	Когон тумани	970	2	704			1	176	1	90
55.	Ромитан тумани	2 206	5	1 760			1	176	3	270
56.	Пешку тумани	545	1	352	70	13			2	180
57.	Ғиждувон тумани	2 104	4	1 408	290	52	2	374	3	270
58.	Вобкент тумани	365			50	9	1	176	2	180
59.	Шофиркон тумани	517	1	352	50	9	0	66	1	90
IV.	Жиззах вилояти	28 315	53	18 656	3 826	689	26	5 820	35	3 150
60.	Жиззах шаҳри	4 800	10	3 520			6	1 280		
61.	Арнасой тумани	1 452	3	1 056			2	396		
62.	Бахмал тумани	1 583	4	1 408	240	43	1	132		
63.	Ғаллаорол тумани	1 495	4	1 408	481	87				
64.	Дўстлик тумани	5 552	5	1 760			7	1 452	26	2 340

Т/р	Худуд номи	Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар*	Болалар майдончасини қуриш		Ирригация тармоқларини қуриш		Йўлакларни бетонлаш		Ҳожатхоналар қуриш	
		(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)	(п/м)	(млн сўм)	(минг кв.м.)	(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)
65.	Зарбдор тумани	3 378	7	2 464			3	554	4	360
66.	Зафаробод тумани	1 091	1	352	3 105	559			2	180
67.	Зомин тумани	1 902	3	1 056			3	576	3	270
68.	Мирзачўл тумани	2 816	8	2 816						
69.	Пахтакор тумани	2 046	3	1 056			5	990		
70.	Фориш тумани	924	2	704			1	220		
71.	Ш.Рашидов тумани	1 276	3	1 056			1	220		
V.	Қашқадарё вилояти	43 394	56	19 712	16 740	3 013	72	15 809	54	4 860
72.	Қарши шаҳри	9 010	10	3 520	6 500	1 170	18	3 960	4	360
73.	Шаҳрисабз шаҳри	4 838	5	1 760	3 600	648	9	1 980	5	450
74.	Ғузор тумани	2 444	3	1 056	800	144	4	794	5	450
75.	Деҳқонобод тумани	180							2	180
76.	Касби тумани	2 410	4	1 408	580	104	3	628	3	270
77.	Китоб тумани	3 414	4	1 408	460	83	5	1 203	8	720
78.	Қамаши тумани	2 160	3	1 056			4	834	3	270

Т/р	Ҳудуд номи	Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар*	Болалар майдончасини қуриш		Ирригация тармоқларини қуриш		Йўлакларни бетонлаш		Ҳожатхоналар қуриш	
		(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)	(п/м)	(млн сўм)	(минг кв.м.)	(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)
79.	Қарши тумани	3 845	6	2 112	541	97	6	1 276	4	360
80.	Косон тумани	3 090	5	1 760	742	134	4	926	3	270
81.	Миришкор тумани	3 155	5	1 760	862	155	4	880	4	360
82.	Мўборак тумани	2 967	2	704	541	97	8	1 716	5	450
83.	Нишон тумани	3 105	4	1 408	632	114	5	1 133	5	450
84.	Чироқчи тумани	90							1	90
85.	Шаҳрисабз тумани	704	2	704						
86.	Яккабоғ тумани	1 981	3	1 056	1 482	267	2	479	2	180
VI.	Навоий вилояти	39 155	98	34 594	4 190	754	14	3 177	7	630
87.	Навоий шаҳри	27 286	70	24 710	2 090	376	10	2 200		
88.	Зарафшон шаҳри	1 632	4	1 412			1	220		
89.	Кармана тумани	2 219	5	1 765	800	144	1	220	1	90
90.	Навбаҳор тумани	353	1	353						
91.	Нурота тумани	947	2	706	300	54	0	97	1	90
92.	Конимех тумани	3 235	7	2 471	800	144	2	440	2	180
93.	Қизилтепа тумани	1 149	3	1 059					1	90

Т/р	Худуд номи	Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар*	Болалар майдончасини қуриш		Ирригация тармоқларини қуриш		Йўлакларни бетонлаш		Ҳожатхоналар қуриш	
		(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)	(п/м)	(млн сўм)	(минг кв.м.)	(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)
94.	Учқудуқ тумани	2 118	6	2 118						
95.	Томди тумани	90							1	90
96.	Хатирчи тумани	126			200	36			1	90
VII.	Наманган вилояти	26 506	33	11 649	4 650	837	58	12 760	14	1 260
97.	Наманган шаҳри	5 713	7	2 471	900	162	14	3 080		
98.	Янги Наманган тумани	946	1	353	350	63	2	440	1	90
99.	Давлатобод тумани	1 564	2	706	100	18	3	660	2	180
100.	Мингбулоқ тумани	678			100	18	3	660		
101.	Косонсой тумани	4 743	7	2 471	400	72	10	2 200		
102.	Наманган тумани	566			200	36	2	440	1	90
103.	Норин тумани	1 049	1	353	200	36	3	660		
104.	Поп тумани	2 452	4	1 412	1 000	180	4	770	1	90
105.	Тўрақўрғон тумани	1 470	2	706	300	54	2	440	3	270
106.	Уйчи тумани	1 137	1	353	300	54	3	550	2	180
107.	Учқўрғон тумани	1 193	1	353			3	660	2	180

Т/р	Худуд номи	Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар*	Болалар майдончасини қуриш		Ирригация тармоқларини қуриш		Йўлакларни бетонлаш		Ўжатхоналар қуриш	
		(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)	(п/м)	(млн сўм)	(минг кв.м.)	(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)
108.	Чортоқ тумани	1 380	2	706	300	54	2	440	2	180
109.	Чуст тумани	2 566	4	1 412	300	54	5	1 100		
110.	Янгиқўрғон тумани	1 049	1	353	200	36	3	660		
VIII.	Самарқанд вилояти	17 090	34	12 002	1 170	211	21	4 607	3	270
111.	Самарқанд шаҳри	9 180	15	5 295	1 070	193	17	3 692		
112.	Каттақўрғон шаҳри	1 196	2	706			1	220	3	270
113.	Оқдарё тумани	1 164	2	706	100	18	2	440		
114.	Иштихон тумани	353	1	353						
115.	Булунғур тумани	145					1	145		
116.	Жомбой тумани	353	1	353						
117.	Нарпай тумани	353	1	353						
118.	Самарқанд тумани	706	2	706						
119.	Пастдарғом тумани	706	2	706						
120.	Нуробод тумани	1 059	3	1 059						

Т/р	Худуд номи	Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар*	Болалар майдончасини қуриш		Ирригация тармоқларини қуриш		Йўлакларни бетонлаш		Ҳожатхоналар қуриш	
		(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)	(п/м)	(млн сўм)	(минг кв.м.)	(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)
121.	Каттақўрғон тумани	1 059	3	1 059						
122.	Ургут тумани	816	2	706			1	110		
IX.	Сурхондарё вилояти	16 213	31	10 943	2 173	391	20	4 339	6	540
123.	Термиз шаҳри	1 300	2	706			3	594		
124.	Ангор тумани	1 015	1	353			3	572	1	90
125.	Бойсун тумани	420			133	24	2	396		
126.	Денов тумани	1 741	3	1 059			3	682		
127.	Жарқўрғон тумани	2 184	6	2 118			0	66		
128.	Музработ тумани	468			60	11	2	367	1	90
129.	Олтинсой тумани	385	1	353	180	32				
130.	Сариосиё тумани	1 640	4	1 412	215	39	0	99	1	90
131.	Термиз тумани	353	1	353						
132.	Узун тумани	2 487	5	1 765	835	150	3	572		
133.	Шеробод тумани	705	1	353			2	352		
134.	Шўрчи тумани	397	1	353			0	44		
135.	Қизириқ тумани	1 320	2	706	750	135	1	299	2	180

Т/р	Худуд номи	Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар*	Болалар майдончасини қуриш		Ирригация тармоқларини қуриш		Йўлакларни бетонлаш		Ҳожатхоналар қуриш	
		(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)	(п/м)	(млн сўм)	(минг кв.м.)	(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)
136.	Қумқўрғон тумани	1 798	4	1 412			1	296	1	90
Х.	Сирдарё вилояти	25 565	35	12 355	1 186	213	47	10 386	29	2 610
137.	Гулистон шаҳри	4 717	9	3 177			7	1 540		
138.	Янгиер шаҳри	3 004	8	2 824					2	180
139.	Ширин шаҳри	3 630	7	2 471			4	979	2	180
140.	Боёвут тумани	2 021	4	1 412	186	33	2	396	2	180
141.	Гулистон тумани	2 058	2	706	550	99	4	893	4	360
142.	Мирзаобод тумани	1 370					5	1 100	3	270
143.	Оқолтин тумани	1 860					6	1 320	6	540
144.	Сайхунобод тумани	1 333	1	353	240	43	4	937		
145.	Сардоба тумани	1 560					7	1 560		
146.	Сирдарё тумани	543			210	38	1	235	3	270
147.	Ховос тумани	3 468	4	1 412			6	1 426	7	630
ХI.	Тошкент вилояти	70 845	130	45 714	22 965	4 134	93	20 548	5	450
148.	Ангрен шаҳри	14 671	25	8 825	4 368	786	23	5 060		
149.	Бекобод шаҳри	3 404	5	1 765	550	99	7	1 540		

Т/р	Худуд номи	Республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар*	Болалар майдончасини қуриш		Ирригация тармоқларини қуриш		Йўлакларни бетонлаш		Ҳожатхоналар қуриш	
		(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)	(п/м)	(млн сўм)	(минг кв.м.)	(млн сўм)	(дона)	(млн сўм)
150.	Чирчиқ шаҳри	9 835	23	8 119	2 200	396	6	1 320		
151.	Олмалиқ шаҳри	2 576	5	1 765	840	151	3	660		
152.	Янгийўл шаҳри	3 146	4	1 412	1 075	194	7	1 540		
153.	Оҳангарон шаҳри	3 106	8	2 648	228	41	2	418		
154.	Нурафшон шаҳри	5 476	9	3 177	2 495	449	8	1 760	1	90
155.	Бекобод тумани	2 627	5	1 765	1 120	202	3	660		
156.	Янгийўл тумани	1 726	3	1 059	1 260	227	2	440		
157.	Ўрта Чирчиқ тумани	1 499	3	1 059			2	440		
22.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларини коммунал соҳа ходимлари билан таъминлаш чораларини кўриш.	1. Туман (шаҳар)ларда бош муҳандис лавозимини киритиш учун бюджетдан молиялаштириладиган қўшимча 89 штат бирлигини ажратиш. 2. Штат бирликларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш ва тасдиқлаш.	2026 йил февраль	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
23.	Қарорга 1–5-иловаларида назарда тутилган Дастурлар ижросини таъминлаш чораларини кўриш.	1. Қарорнинг 1–5-иловаларига мувофиқ, туман ва шаҳар кесимида уйларни таъмирлаш ҳамда уларга туташ ҳудудларда умумий фойдаланишдаги инфратузилма объектларини қуриш ишларини амалга ошириш учун манзилли рўйхатни шакллантириш. 2. Шакллантирилган рўйхат асосида Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари томонидан манзилли Дастурларни тасдиқлаш. 3. Қарорнинг 5-иловасига мувофиқ, 2026 йилда кўп квартирали уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан Дастур доирасида ҳар чорак якунлари бўйича талаб этиладиган маблағлар бошқарувчи	2026 йил март 2026 йил март ҳар чоракда	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги

		ташкilotлар билан тенг улушларда ажратилишини таъминлаш. 4. Дастур доирасида амалга ошириладиган таъмирлаш ишларини Халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг қилиб бориш.	доимий	
24.	2026–2027 йилларда республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан маблағлар ажратиш.	Қарорнинг 2, 4-иловаларига мувофиқ, кўп квартирали уйларни таъмирлаш, реконструкция қилиш ва туташ ҳудудларини ободонлаштириш мақсадида республика бюджети ва маҳаллий бюджетлардан маблағларни ўз вақтида ва тўлиқ ажратиш.	2026 – 2027 йилларда ҳар чоракда	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

**“Менинг уйим” ахборот тизимини такомиллаштириш ва кўп квартирали
уйларни бошқариш жараёнларини рақамлаштириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

T/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1.	“Менинг уйим” ахборот биллинг тизимига кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасидаги барча электрон тизимларни интеграция қилиш.	1. “Менинг уйим” ахборот биллинг тизимининг низомини ишлаб чиқиш. 2. “Менинг уйим” ахборот биллинг тизими ҳамда “Турар жой” МАТ, “Бошқариш органларининг электрон реестри”, “Хавфсиз лифт” ИЭП тизимлари билан ўзаро интеграция қилиш. 3. “Менинг уйим” мобил иловасида ахборот биллинг тизимида мавжуд маълумотларни фойдаланувчиларга етказиб бериш.	2026 йил август 2026 йил август 2026 йил август	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
2.	Бошқарувчига онлайн мурожаатлар юбориш, уларнинг жараёнларини онлайн кузатиб бориш ва жавоб бериш (фото ва видео лавҳалар орқали) тизимини жорий қилиш, шунингдек, бошқарувчи ташкилотларнинг диспетчерлик хизматларини рақамлаштириш.	1. “Менинг уйим” ахборот биллинг тизимининг мобил ва веб версияларида онлайн мурожаат юбориш имкониятини яратиш. 2. Фойдаланувчилар учун мурожаатни қабул қилиш, масъул ходим бириктириш ва бажариш жараёнларини кузатиб бориш ҳамда бошқарувчи ва унинг ходимлари фаолиятини баҳолаб бориш имкониятини яратиш. 3. Бошқарувчининг ходимлари учун	2026 йил август 2026 йил август	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		“Менинг уйим” ахборот биллинг тизимининг мобил версиясини яратиш. 4. Якунланган мурожаатлар юзасидан мулкдорлар томонидан қўйилган баҳолар орқали бошқарувчи ва унинг ходимлари рейтингини юритиш тизимини жорий қилиш.	2026 йил август	
3.	Жой мулкдорларининг умумий йиғилишларини ташаббус қилиш, уларни ўтказиш ва қарорлар қабул қилишнинг онлайн имкониятини яратиш.	1. Онлайнг йиғилишларга овоз беришни идентификациялаш ва расмийлаштириш учун UZINFOCOM томонидан яратилган Му-ID ахборот тизими билан интеграция асосида Face-ID технологиясидан беғараз мақсадларда текин фойдаланишни “Менинг уйим” ахборот биллинг тизимида жорий этиш. 2. “Менинг уйим” ахборот биллинг тизими мобил ва веб версияларида онлайн йиғилиш ўтказиш учун ташаббус қилиш, йиғилиш кун тартибидаги масалаларини қўйиш ва уларга овоз бериш имкониятини яратиш.	2026 йил март 2026 йил март	Рақамли технологиялар вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
4.	“Менинг уйим” ахборот биллинг тизимида ҳар бир уй бўйича бажариладиган ишлар ва хизматларнинг йиллик ҳажмларини киритиш ҳамда бажарилиши юзасидан	1. “Менинг уйим” ахборот биллинг тизимида ҳар бир кўп квартирали уйлар бўйича бажариладиган ишлар (хизматларнинг) йиллик ҳажмлари ва қийматларини киритиш ва уларнинг бажарилиши юзасидан ҳар чоракда якунланган даврдан кейинги ойнинг ўнинчи	2026 йил март	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	чораклик маълумотларни киритиб бориш ҳамда йиллик ҳисоботларни автоматик шакллантириш.	санасига қадар маълумотларни киритиб бориш функциясини яратиш. 2. Чораклик маълумотлар тегишли даврдан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар киритилмаган тақдирда, “Менинг уйим” ахборот биллинг тизимида кейинги ой(лар) учун мажбурий бадал ва тўловларнинг ҳисоби юритилиши тегишли маълумотлар киритилгунига қадар тўхтатилишини ва қайта ҳисоб-китоб қилинмаслигини йўлга қўйиш.	2026 йил март	
5.	Кўп квартирали уйларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни такомиллаштириш.	1. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциянинг ахборот тизимлари ва “Менинг уйим” ахборот биллинг тизимини интеграция қилиш. 2. Интеграция орқали бошқарувчиларга кўп квартирали уйларни сақлаш қоидаларига ва тегишли норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши юзасидан бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериб борилишини “Менинг уйим” ахборот биллинг тизимида акс эттирилишини жорий қилиш.	2026 йил май 2026 йил май	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
6.	Кўп квартирали уйларнинг техник ҳолати ва уйлардан фойдаланишда қонунчилик	1. Кўп квартирали уйларнинг мулкдорлари ва бошқарувчилар учун уйдаги ноқонуний қурилишлар, таянч ва тўсиқ конструкцияларни ўзбошимча ўзгартириш,	2026 йил апрель	Вазирлар Маҳкамаси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан назорат қилиш тизимини такомиллаштириш.	муҳандислик тармоқлари схемаларини ўзгартириш ёки иситиш юзасини хонанинг техник паспортида кўрсатилган параметрлардан ортиқ ўзбошимчалик билан кўпайтириш ҳолатлари тўғрисида “Менинг уйим” ахборот биллинг тизими орқали Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясига хабар бериш тизимини яратиш. 2. “Менинг уйим” биллинг тизими орқали инспекцияга юборилган мурожаатларни инспекция томонидан кўриб чиқиш тартибини жорий қилиш.	2026 йил апрель	инспекцияси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги
7.	Кўп квартирали уйларни сақлаш билан боғлиқ бўлган мажбурий бадал тўловларни аниқ, шаффоф ва самарали ҳисобга олишни таъминлаш, шунингдек, жой мулкдорларига маълумотларни очиқлаб бориш.	1. Онлайн тўлов ташкилотлари билан интеграцияни амалга ошириш бўйича техник шартлар ишлаб чиқиш. 2. Онлайн тўлов ташкилотлари билан хизматни йўлга қўйиш бўйича шартнома имзолаш. 3. “Менинг уйим” биллинг тизими орқали бошқарувчи ташкилотларнинг шахсий кабинетларига онлайн тўловларни қабул қилиш бўйича “оферта” шартномаларини юбориш.	2026 йил май 2026 йил июнь 2026 йил июль	Марказий банк, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
8.	Қарздорликларни автоматлаштирилган тартибда ундириш тизимини жорий этиш.	1. “Менинг уйим” биллинг тизими ва Олий суднинг “Адолат” ахборот тизимлари комплексини тўғридан-тўғри интеграция қилиш ва у орқали муддати ўтган (90 кундан	2026 йил май	Олий Суд, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Қурилиш ва уй-жой

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		ортиқ) қарздорликлар бўйича ҳужжатларни автоматик равишда судларга юбориш тизимини жорий қилиш. 2. Адлия вазирлигининг “Нотариус ААТ” ва “Менинг уйим” ахборот биллинг тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали муддати ўтган (90 кундан ортиқ) қарздорликлар бўйича ҳужжатларни “Менинг уйим” ахборот биллинг тизими орқали автоматик равишда нотариусларга, улар томонидан кўриб чиқилгандан кейин ижрочиларга юбориш тизимини жорий қилиш. 3. Мажбурий ижро бюросининг ахборот тизимлари, “Адолат” ахборот тизимлари комплекси, “Нотариус ААТ” ва “Менинг уйим” ахборот биллинг тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали судларда ва нотариусларга киритилган ҳужжатлар ва уларнинг ижроси бўйича ахборот алмашиш тизимини жорий қилиш. 4. “Менинг уйим” тизимида қарздорликларни таҳлил қилиш ва ҳужжатларни судларга ва нотариусларга автоматлаштирилган ҳолда юбориш тизимини йўлга қўйиш.	2026 йил июнь 2026 йил июль 2026 йил август	коммунал хўжалиги вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
9.	“Менинг уйим” ахборот биллинг тизими ва	1. Барча коммунал тўловлар (газ, электр, ичимлик сув, иссиқлик таъминоти ва	2026 йил апрель	Вазирлар Маҳкамаси, Қурилиш ва уй-жой

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	“Электрон ҳукумат” идоралараро интеграция платформаси билан такомиллаштирилган маълумот алмашинувини йўлга қўйиш.	квартира билан боғлиқ бўлган бошқа тўловлар) ҳақидаги маълумотларни (тўлов тарихи, истеъмол ҳажми ва ва.х) ҳар бир жой мулкдорнинг “Менинг уйим” ахборот биллинг тизимидаги шахсий кабинетига юбориш имкониятини яратиш. 2. Солиқ хизмати органларининг электрон тизимлари ва “Менинг уйим” ахборот биллинг тизимини ўзаро интеграция қилиш орқали, кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкни фойдаланиш (ижарага, текин ва бошқа шаклда)га бериш тўғрисидаги шартнома, шунингдек, ижарага олувчи ва унинг фаолияти, ижара тўловлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, жой мулкдорларнинг мол-мулк солиғи ва бошқа солиқлар ҳақидаги маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш. 3. Кўп квартирали уйларнинг турар ва нотурар жойлари ижарага бериш билан боғлиқ битимлар (шартномалар) Солиқ қўмитаси ахборот тизимида ҳисобга қўйилишида, ушбу кўчмас мулк объекти мулкдорларининг кўп квартирали ўрни сақлаш харажатлари учун бошқариш органи олдида мажбурий бадал ва тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги “Менинг уйим” ахборот биллинг тизимидан автоматик равишда текшириш ва қарздорлик аниқланганда мулкни ижарага олувчи огоҳлантирилиб бориш.	2026 йил июль 2026 йил майдан бошлаб доимий	коммунал хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, “Ўзсувтаъминот” АЖ Рақамли технологиялар вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
10.	Кўп квартирали уйлардаги турар ва нотурар жойларнинг умумий майдонлари бўйича низоларни онлайн ҳал қилиш механизмини жорий этиш.	1. “UzKAD” ахборот тизими ҳамда “Менинг уйим” ахборот биллинг тизимларини интеграция қилиш. 2. “Менинг уйим” ахборот биллинг тизими шахсий кабинети орқали турар ва нотурар жойларнинг кадастр ҳужжатларини илова қилган ҳолда майдон маълумотларини тузатиш учун онлайн ариза юбориш тизимини йўлга қўйиш. 3. Келиб тушган аризаларни интеграция орқали Давлат кадастрлари ахборот тизимларига юбориш ва уларни бартараф этиш имкониятини яратиш.	2026 йил май	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги
11.	Бошқарувчиларнинг рейтингини шакллантириш учун давлат ташкилотларидан бошқарувчиларга тегишли маълумотларни “Менинг уйим” ахборот биллинг тизимида акс эттириш.	1. Кўп квартирали уйларни бошқариш қоидаларини бузганлиги тўғрисидаги мажбурий кўрсатмалар ҳамда маъмурий баённомаларни “Кўп квартирали уйларни бошқариш органлари бошқарувчиларнинг электрон реестри”да акс эттириш тизимини жорий қилиш. 2. Экология соҳасида қонун бузилишлари юзасидан бошқарувчига кўрилган чоралар ҳамда қўлланилган маъмурий ишлар маълумотларини ва уларнинг реал вақт режимидаги ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар ахборот тизимлари орқали “Менинг уйим” ахборот тизимида автоматик тарзда узатиш.	2026 йил май 2026 йил июнь	Вазирлар Маҳкамаси, Рақамли технологиялар вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси, Ички ишлар вазирлиги, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Солиқ қўмитаси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		3. Солиқ маъмурчилиги соҳасида қонун бузилишлари юзасидан расмийлаштирилган маъмурий баённомалар ва жарималар ва уларнинг реал вақт режимидаги ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар ахборот тизимлари орқали “Кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг электрон реестри”га автоматик тарзда узатиш. 4. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ахборот тизимида рўйхатдан ўтган ва амалдаги меҳнат шартномаларига эга ходимлар ҳақидаги маълумотлар “Менинг уйим” ахборот тизимига интеграция орқали узатиш. 5. Солиқ қўмитасининг ахборот тизимидан бошқарувчиларнинг солиқ қарздорлиги ҳамда ходимларининг ўртача иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни “Кўп квартирали уйларни бошқариш органлари бошқарувчиларнинг электрон реестри”га автоматик узатиш. 6. Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими билан интеграция орқали бошқариш органининг электр таъминотидан қарздорликлари ҳақидаги маълумотларни “Менинг уйим” ахборот биллинг тизимига узатиш.	2026 йил июнь 2026 йил июнь 2026 йил июнь 2026 йил июль	ва бандлик вазирлиги, Энергетика вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		7. Ички ишлар вазирлигининг ахборот тизимлари орқали бошқариш органининг СТИР маълумотлари асосида унинг балансидаги моддий-техника базалари ҳақидаги маълумотларни “Менинг уйим” ахборот биллинг тизимида акс эттириш.	2026 йил июль	
12.	Мажбурий бадал тўловлари жараёнларини очиқ ва шаффофлигини таъминлаш ва тўловлар ҳақида огоҳлантириш тизимини жорий қилиш.	1. “Менинг уйим” ахборот тизимидаги қарздорликлар бўйича ҳар ой якунида ЖШШИР орқали Электрон ҳукумат платформасига сўров юборилиб, абонентларга бириктирилган телефон рақамларига автоматик смс огоҳлантиришлар юборишни йўлга қўйиш. 2. “Менинг уйим” ахборот тизимидаги шахсий кабинет орқали бошқарувчилар смс пакетларни сотиб олиш имкониятини йўлга қўйиш.	2026 йил апрель 2026 йил апрель	Ички ишлар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
13.	Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимида жамоатчилик назоратида иштирокини мустаҳкамлаш.	“Менинг уйим” шахсий кабинети орқали мулкдорларга бошқарувчиларнинг фаолиятини баҳолаш ва мулоҳазалар билдириш тизимини жорий этиш.	2026 йил май	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
14.	Мажбурий бадал тўловларини тўлашда яширин иқтисодиёт улушини камайтириш, тўловлар шаффофлигини таъминлаш.	Мажбурий бадал тўловларини “Менинг уйим” ахборот биллинг тизимида тўғридан-тўғри қўлда киритилишини тўхтатиб, барча тўловлар фақатгина “Менинг уйим” ахборот биллинг тизимида яратилган абонент шахсий ҳисоб рақамларидан фойдаланган	2026 йил май	Марказий банк, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		ҳолда онлайн, банк кассалари ва (ёки) ПОС-терминаллар (“Менинг ўйим” иловаси киритилган терминаллар) ёрдамида интеграциялашган ҳолда амалга ошириш.		
15.	Кўп квартирали ўй-жой мулкдорларининг “Менинг ўйим” ахборот биллинг тизими шахсий кабинетларида солиқ ва коммунал тўловлар ҳақидаги маълумотларни очиқлаш.	1. Солиқ қўмитасининг ахборот тизимлари билан интеграция орқали “Менинг ўйим” ахборот биллинг тизимида яратилган мулкдорнинг шахсий кабинетида “Менинг солиқларим” бўлимини жорий этиш. 2. Юридик ва жисмоний шахслар учун электр, газ, сув ва бошқа коммунал тўловларни амалга ошириш имкониятини яратиш. 3. “Менинг ўйим” ахборот биллинг тизимидаги шахсий кабинет орқали коммунал хизматларнинг истеъмол сарфлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш.	2026 йил август	Солиқ қўмитаси, Энергетика вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, “Ўзсувтаъминот” АЖ, Қурилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
16.	“Менинг ўйим” ахборот биллинг тизimini доимий тарзда ишлаб туриш ва моддий-техника база билан таъминлашнинг молиялаштириш механизмини жорий этиш.	“Менинг ўйим” ахборот биллинг тизimini техник қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш харажатларини қоплаш учун аҳоли томонидан тўланган мажбурий бадалларнинг 1 фоизи Қурилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш республика марказига автоматик ўтказиб бориш.	2026 йил апрель	Қурилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
17.	Кўп квартирали уйларга оид давлат хизматларини ягона иловага жамлаш.	1. Кўп квартирали уйларда коммунал хизматларнинг ҳисоблагичларини пломбалаш ва шартнома тузиш, носоз ҳисоблагичларни қиёслашдан ўтказиш ва ҳ.к каби давлат хизматларини кўрсатиш учун Электрон ҳукумат платформаси билан “Менинг уйим” ахборот биллинг тизимини интеграция қилиш. 2. “Менинг уйим” ахборот биллинг тизимининг мобил иловаси орқали мазкур хизматларни кўрсатиш имкониятини яратиш.	2026 йил сентябрь 2026 йил октябрь	Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
18.	Кўп квартирали уйларнинг техник параметрлари ва уйга туташ ер участкалари тўғрисида маълумотлар базаси, шунингдек, техник ҳолатини ҳамда энергия ва коммунал ресурсларнинг истеъмолини, уйларни таъмирлаш режалари ва амалга оширилган ишлар бўйича мониторинг қилиб бориш имконини берувчи Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг “Турар-жой”	1. “Турар-жой” миллий ахборот тизимида кўп квартирали уйларнинг бирламчи маълумотлар базасини шакллантириш. 2. “Турар-жой” миллий ахборот тизими низомини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 3. Тизимни Кадастр агентлиги, “Ўзсувтаъминот”, “Иссиқлик таъминоти” АЖ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Veolia Energy Tashkent” МЧЖ хорижий корхонасининг иссиқлик энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ягона тўлов тизимини, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Ҳудудгаз” корхоналарининг биллинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш ва маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш.	2026 йил апрель 2026 йил май 2026 йил июнь	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Кадастр агентлиги, Энергетика вазирлиги, “Ўзсувтаъминот” АЖ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	миллий ахборот тизимини жорий этиш.	4. Ҳар бир кўп квартирали уй, шунингдек, ҳар бир хонадоннинг энергия ва коммунал ресурслари истеъмолини мониторинг қилиш имкониятини яратиш. 5. Кўп квартирали уйларни таъмирлаш бўйича режалари ва амалга оширилган ишларни “Турар жой” миллий ахборот тизимида киритиб бориш ҳамда “Менинг уйим” ахборот биллинг тизимида акс эттириш.	2026 йил июль	
19.	Кўп квартирали уйлардаги умумий мол-мулк ва ертўла ҳақидаги электрон маълумотлар базасини, шунингдек, кўп квартирали уйдаги жой мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилган уйларга туташ ер участкалари тўғрисидаги маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш.	1. “UzKAD” ахборот тизими ва “Турар жой” миллий ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиб, маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш. 2. Янгидан қурилиб фойдаланишга топширилган ҳар бир кўп квартирали уйдаги хонадонлар (шу жумладан, нотурар жойлар) ва умумий мол-мулк, шунингдек, уйга туташ ер участкаси тўғрисидаги маълумотлар “Турар жой” миллий ахборот тизимида автоматик акс эттирилишини йўлга қўйиш.	2026 йил апрель 2026 йил апрель	Вазирлар Маҳкамаси, Кадастр агентлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
20.	“Хавфсиз лифт” электрон платформасини такомиллаштириш ҳамда лифт ускуналарини электрон базасини шакллантириш.	1. “Хавфсиз лифт” электрон платформасида барча лифт ускуналарининг электрон базасини шакллантириш имкониятини яратиш. 2. Барча бино иншоотлардаги лифт ускуналарини фойдаланишга қабул қилиш “Хавфсиз лифт” электрон платформаси	2026 йил август Доимий	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		орқали амалга ошириш. 3. Лифтларга техник хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг (сервис хизмат кўрсатувчи) электрон реестрини юритиш. 4. Лифтларни техник кўриқдан ўтказувчи (ихтисослашган) ташкилотларнинг электрон реестрини юритиш. 5. Ихтисослашган ташкилот лифтларни даврий техник кўриқдан ўтказиш “Хавфсиз лифт” электрон платформаси орқали амалга ошириш. 6. Лифт ускунага хизмат кўрсатувчи мутахассисларнинг электрон реестрини юритиш. 7. Лифтларга тадбиркорлик субъектларининг инвестициялари ҳисобидан платформа орқали марказлашган бошқарувга эга видеореклама таблоларини ўрнатиш тартибини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. 8. Лифтларнинг эҳтиёт қисимлар сотиладиган савдо дўконлари (омборлар) реестрини шакллантириш ҳамда соҳада электрон савдо тизимини жорий қилиш. 9. Лифт ускуналарининг республика ҳудудига кириб келишидан бошлаб фойдаланишдан чиқарилгунгача бўлган жараёнларни мазкур платформада кузатиб бориш.	2026 йил август 2026 йил сентябрь 2027 йил март 2027 йил февраль Доимий	Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Рақамли технологиялар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Савдо саноат палатаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 5 февралдаги ПК–48-сон қарорига
11-илова

**Кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасида яширин иқтисодиёт
улушини қисқартириш бўйича республика ишчи гуруҳи
ТАРКИБИ**

- | | | | |
|----|-----------------|---|---|
| 1. | С.И.Самадов | – | Бош прокурор ўринбосари, республика ишчи гуруҳи раҳбари |
| 2. | О.А.Жураева | – | қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари |
| 3. | С.А.Садуллаев | – | иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари |
| 4. | Н.У.Мухаммадиев | – | адлия вазири ўринбосари |
| 5. | О.А.Пекось | – | рақамли технологиялар вазирининг биринчи ўринбосари |
| 6. | А.А.Садиков | – | Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари |
| 7. | Ж.И.Абдиев | – | Солиқ қўмитаси раиси ўринбосари |
| 8. | М.С.Мирмаксудов | – | Кадастр агентлиги директори ўринбосари |

Изоҳлар:

1. Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.

2. Ишчи гуруҳ ўзига юклатилган вазифаларни амалга оширишда, зарур ҳолларда, бошқа тегишли вазирлик ва идораларнинг мутасадди раҳбар ва масъул ходимларини жалб этиши мумкин.

**Кўп квартирали уйларни бошқариш соҳасида яширин иқтисодиёт улушини
қисқартириш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳ
ТАРКИБИ**

1. *Лавозими бўйича* — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокурорлари ўринбосарлари, *ҳудудий ишчи гуруҳ раҳбари*
2. *Лавозими бўйича* — Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари, вилоятлар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари бошлиқлари ўринбосарлари, Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари
3. *Лавозими бўйича* — Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри иқтисодиёт ва молия бошқармалари бошлиқлари ўринбосарлари
4. *Лавозими бўйича* — Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри адлия бошқармалари бошлиқлари ўринбосарлари
5. *Лавозими бўйича* — Рақамли технологиялар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ўринбосарлари
6. *Лавозими бўйича* — Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий назорат қилиш инспекциялари бошлиқлари ўринбосарлари
7. *Лавозими бўйича* — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри солиқ бошқармалари бошлиқлари ўринбосарлари
8. *Лавозими бўйича* — Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари бошлиқлари ўринбосарлари

Изоҳлар:

1. Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.
2. Ишчи гуруҳ ўзига юклатилган вазифаларни амалга оширишда, зарур ҳолларда, бошқа тегишли ташкилот ва идораларнинг мутасадди раҳбар ва масъул ходимларини жалб этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси
Ҳукуматнинг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш
ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги “Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–184-сон Фармонида:

(а) 1-илованинг 8-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“	8.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя этилиши, кўп квартирали уйларни сақлаш ва фойдаланиш харажатларини аниқлаш талабларига, кўп квартирали уйларни бошқариш фаолиятини амалга ошириш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.	”;
---	----	---	--	----

(б) 2-илова қуйидаги мазмундаги 18-позиция билан тўлдирилсин:

“	18.	Ўзбекистон Республикасининг “Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ қуйидагилар юзасидан кўп квартирали уйларни бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида текширув ўтказиш: 1. Кўп квартирали уйларни сақлаш ва фойдаланиш харажатларини аниқлаш бўйича талабларга, кўп квартирали уйларни бошқариш фаолиятини амалга ошириш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш. 2. Кўп квартирали уйларни мавсумий фойдаланишга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	”.
---	-----	---	---	----

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 февралдаги “Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5-сон қарорида:

- (а) 3-банддаги “хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари (ХУМШ) жамланган” сўзлари “кўп квартирали уйларни бошқариш органлари томонидан” сўзлари билан алмаштирилсин;
 - (б) 5-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари” сўзлари “Кўп квартирали уйларни бошқариш органлари” сўзлари билан алмаштирилсин;
 - (в) 7-банддаги “хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг” сўзлари “кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг” сўзлари билан алмаштирилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ–5152-сон қарорида:
- (а) 7-бандда:
 - “в” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
 - “в) кўп квартирали уйни бошқариш билан боғлиқ амалга оширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳамда уларнинг қиймати тўғрисидаги маълумотлар бошқариш органи томонидан ҳар чорақда чорак якунланган даврдан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар “Менинг уйим” биллинг тизимига киритиб борилади ҳамда йил якуни билан ушбу маълумотлар асосида автоматик равишда йиллик ҳисоботлар шакллантирилади”;
 - “г” кичик банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
 - “г) қурувчи ташкилот қурилиши тугалланган кўп квартирали уйни бошқариш учун бошқарувчи ташкилотни жалб қилади ҳамда биринчи икки йилга кўп квартирали уй-жой эксплуатациясининг кафолат муддати жорий қилинади. Бунда:
 - қурувчи томонидан мазкур кўп квартирали уй-жой эксплуатациясининг икки йиллик кафолат муддати таъминланади”;
 - (б) 5-иловада 24-позициянинг “Чора-тадбирлар номи” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
 - “Кўп квартирали уй-жойдаги умумий мулкни сақлаш (фойдаланиш) ҳоидаларини тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш”.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–57-сон қарорининг 18-бандида:
- (а) қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Қурувчи ташкилот қурилиши тугалланган кўп квартирали уйларнинг том қисмига ўрнатилган қуёш панелларини электр тармоғига улашни таъминлайди. Қуёш панеллари электр тармоғига уланмаган кўп квартирали уйлар фойдаланишга қабул қилинмайди”;

(6) иккинчи – тўртинчи хатбошилар тегишинча учинчи – бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги “Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 194–сон қарорига 2-илованинг 11-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. ИСКХ ташкилоти ичимлик суви таъминоти тармоғининг истеъмолчига тегишли ҳудудга кирган қисмига (кўп қаватли уйларнинг кириш қисмига) қадар жавобгар бўлади ва мазкур чегарага қадар хизматлар кўрсатади.

Кўп квартирали уйни бошқариш органи ичимлик суви таъминоти тармоғининг кўп квартирали уйларга кирган қисмидан то истеъмолчига тегишли ҳудудга қадар жавобгар бўлади ва унга хизмат кўрсатилишини таъминлайди.

Истеъмолчилар ўзига тегишли ҳудуддаги ичимлик суви таъминоти тармоғи учун жавобгар бўлади.

ИСКХ ташкилоти оқова сувларни чиқариб юбориш тармоғининг истеъмолчига тегишли ҳудудга кирган қисмига (кўп қаватли уйларнинг кириш қисмига) қадар жавобгар бўлади ва мазкур чегарага қадар хизматлар кўрсатади.

Кўп квартирали уйни бошқариш органи кўп квартирали уйда оқова сувларни чиқариб юбориш тармоғи учун жавобгар бўлади ва унга хизмат кўрсатилишини таъминлайди.

Истеъмолчилар ўзига тегишли ҳудуддаги оқова сувларни чиқариб юбориш тармоғи учун жавобгар бўлади.

Бунда кўп квартирали уйларнинг юқори қаватларига ичимлик сувини етказиб берувчи ва улардан оқова сувни олиб чиқишда фойдаланувчи насослар эксплуатациясига мазкур уйлардаги хонадонларга ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш хизматларини кўрсатувчи ИСКХ ташкилоти жавобгар бўлади ва хизматлар кўрсатади.

Кўп квартирали уйдаги кўп квартирали уйни бошқариш органи томонидан қабул қилинмаган ва у томонидан хизмат кўрсатиш белгиланмаган ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш тармоқларига (қувурлари ва тизимлари) ушбу бошқарув органи жавобгар ҳисобланмайди”.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 февралдаги “�збекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 69-сон қарори қуйидаги мазмундаги 3¹-банд билан тўлдирилсин:

“3¹. Белгилансинки, Марказга нисбатан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомга 66-илованинг 5.2-банди талаби татбиқ этилмайди”.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 сентябрдаги 535-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк объектига кадастр паспортини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентида:

(а) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Кадастр паспортини олиш ҳамда белгиланган тартибда кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза берувчининг ихтиёрига кўра бир вақтда ёки алоҳида муурожаат қилиш мумкин.

Белгиланган тартибда келишилган лойиҳа ҳужжатларига кўра объектнинг қурилиши (реконструкцияси) тугалланган тақдирда, битта сўровномага асосан кадастр паспорти, қурилиши (реконструкцияси) тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома, кўчмас мулк давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги реестрдан кўчирма бир вақтда берилади.

Қурилиш-пудрат (девелопер) ташкилоти томонидан фойдаланишга топширилаётган кўп квартирали уйларга белгиланган тартибда кадастр паспортини расмийлаштириш талаб этилади.

Бунда тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига асосан бир ер участкасида бир нечта кўп квартирали уйлар қурилиши мўлжалланган бўлса, ҳар бир кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкасининг лойиҳада кўрсатилган чегараси асосида Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиаллари (кейинги ўринларда – филиаллар) ер участкасини бўлиш ишларини амалга оширади.

Лойиҳа ҳужжатларига асосан бир ер участкасида бир нечта кўп квартирали уйлар ягона турар жой мажмуаси сифатида назарда тутилган бўлса ёки уларни алоҳида ер участкаларига бўлиш имконияти бўлмаса ер участкаси умумий (биргаликда) фойдаланишдаги ер участкаси сифатида кадастр паспорти расмийлаштирилади.

Кўп квартирали уйнинг кадастр паспортида кўп квартирали уйлардаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган (нотурар) жойлар, умумий мол-мулк рўйхати ҳамда кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Бунда кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулк ҳамда унга туташ ер участкаси мазкур уйдаги жойларнинг мулкдорлари номига Ўзбекистон Республикасининг “Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида расмийлаштирилади.

Кўчмас мулк объектга бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар вужудга келганда, бошқа шахсга ўтганда, бекор бўлганда ёки кўчмас мулк объектнинг ҳуқуқий ҳолати ўзгарганлигини тасдиқлаш ёки қурилиши (реконструкцияси) тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича мурожаат қилинганда, ариза берувчининг ихтиёрига кўра қоғоз ёки пластик шаклдаги кадастр паспорти берилади”;

(6) 10-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Ариза кўп квартирали уйга кадастр паспортини расмийлаштириш учун берилган тақдирда қуйидагилар қўшимча илова қилинади:

лойиҳа-смета ҳужжатлари;

кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкасининг чегараси туширилган режа-схема”;

тўртинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги 649–сон қарори билан тасдиқланган Ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг 334-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Кўп квартирали уйларга ўрнатилган ёнғин автоматикаси тизимларини (автоматик ёнғин сигнализацияси, ёнғиндан хабардор ва эвакуация қилиш, тутунга қарши шамоллатиш тизимлари ҳамда автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари ва бошқа автоматик ёнғинга қарши ҳимоя техник ўсқуналарини) ишчи ҳолатда сақлаб туриш учун кўп квартирали уйларни бошқариш органлари штатида ёнғин хавфсизлиги бўйича камида бир нафар мутахассис бўлиши лозим”.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 687–сон қарорига 1-илованинг 18-банди йигирма еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга бир марталик моддий ёрдам ва субсидиялар бериш, уларнинг куз-қиш мавсумида коммунал тўловлари ва иситиш ёқилғисини харид қилиш харажатларини қисман, кўп квартирали уй мулкдорларининг мажбурий бадал маблағлари харажатларини қоплаш”.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 декабрдаги 853–сон қарори билан тасдиқланган Кўп квартирали уйларни бошқариш органларининг электрон реестрини юритиш бўйича маъмурий регламентнинг 21-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“21. Қурилиши тугалланган, бироқ фойдаланишга топширилмаган уйлар бошқариш органларига мазкур Регламентда белгиланган тартибда бириктирилади”.

